O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Хонадонларимиз чироғи, ҳаёт давомийлигининг тимсоли бўлган аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, инсон юрагига энг эзгу туйғулар, аввало, она сути, она алласи билан киради

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 8 MART ◆ JUMA ◆ №29 (26.888)

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Аввало, сиз муҳтарама онахонларимиз, қадрли опа-сингилларимиз, мунис қизларимиз — барчангизни севимли байрамингиз 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу гўзаллик ва нафосат айёми юртимизда нишонланаётган бошқа нуфузли байрам ва саналар орасида алоҳида ўрин тутади.

Бу байрамни айнан мана шу кунларда, яъни баҳор фаслида, янгиланиш, яшариш, бутун табиат, бутун борлиқнинг уйғониш палласида нишонлашимиз ҳам ўзига хос, теран маъно-мазмунга эга, деб ўйлайман.

Бу маъно шундан иборатки, табиат мўъжизаси бўлган, ўзининг гўзаллиги, меҳр-муҳаббати ва саховати билан ҳаётимизга файзу тароват бахш этадиган аёл зоти баҳорга, мана шу бетакрор фаслга жуда-жуда ўхшаб кетади.

Шунинг учун ҳам одам ўзининг мушфиқ онаси, садоқатли ёри, азиз опа-сингилларини эслаганда, улар билан дийдор кўришиб, мулоқот қилганда дилида қандайдир меҳр тафтини сезади.

Хонадонларимиз чироғи, ҳаёт давомийлигининг тимсоли бўлган аёлларга юксак ҳурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, инсон юрагига энг эзгу туйғулар, аввало, она сути, она алласи билан киради. Одамзот она меҳри ва тарбияси билан Ватани ва халқини севадиган фидойи инсон бўлиб вояга етади.

Бу табиатнинг азалий ва ўзгармас қонунияти бўлиб, уни ҳеч ким, ҳеч қачон инкор этолмайди.

Дунёда жамият ёки давлатнинг нуфузини, маданий даражасини белгилайдиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қандай замонда, ҳар қандай жамиятда миллатнинг, халқнинг маънавий камолотини ўзида яққол намоён этадиган бир ўлчов, таъбир жоиз бўлса, бир кўзгу бор. Бу — ана шу давлат, ана шу жамиятнинг аёлларга, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ҳаётий манфаатларини таъминлашга бўлган муносабатидир.

Тарих сабоғи шундан далолат берадики, аёлларни улуғлаган, уларни бошига кўтарган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди, ўзининг эзгу мақсадларига албатта эришади.

Мен шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, қуч-қудрати тобора мустаҳкамланиб, турмуш даражаси юксалиб бориши билан сиз, муҳтарама аёлларимизга бўлган ҳурмат-эътиборнинг янада кучайиши, давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзларнинг янада кенгайиши, сизларнинг ҳаётингизни моддий ва маънавий жиҳатдан бойитиш борасида янада кўпроқ имкониятлар пайдо бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, биз — шу юрт ўғлонлари бу имкониятларни рўёбга чиқариш, аёлларимизнинг кундалик ҳаётимиздаги, оила ва жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, уларнинг ўз истеъдоди, билим ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш йўлида бор куч ва ғайратимизни аямаймиз.

Мана шундай муносабат, мана шундай ёндашув бизнинг бугун олиб бораётган ва эртанги кунда давом этадиган ишларимизнинг асосий маъно-мазмунини белгилаб беради.

Чунки, юртимиз аёллари қандай эркин, мазмунли ва бахтли ҳаёт кечирса, ҳеч шубҳа йўқки, уларнинг меҳнати ва заҳмати, меҳри ва муҳаббатидан баҳраманд бўлиб ўсаётган янги авлод ҳам ана шундай бахтли, эркин ва мазмунли ҳаётга эришишини барчамиз яхши биламиз.

Ҳозирги вақтда олдимизда турган энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлмиш «Соғлом она — соғлом фарзанд» деган олижаноб ғояни амалга оширишда ҳам биз биринчи навбатда сиз, қадрдон опа-сингилларимизга, сизларнинг замонавий дунёқарашингиз, ҳаётий тажрибангизга таянамиз.

Мана шу ҳаяжонли ва унутилмас айёмда сиз, азизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Дилингизда неки эзгу орзу-ният бўлса, барчаси рўёбга чиқсин.

Фарзандларингизнинг, невара-чевараларингизнинг камолини, бахтини кўриш насиб этсин.

Яратганнинг ўзи сизларни доимо паноҳида асрасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фалакда баҳор рақси,
Гулдай очилди хаёл.
Сиз борсиз... Севги фасли
Юрак юксалди, Аёл!

Мен бир барҳаёт дарахт,
Новдам ям-яшил, мана!
Заминдаги қуй — ҳаёт
каби гулладим, Она!

Тонгни уйғотган сабо
сирларин этдим назм...
Қалбни очдим. Марҳабо,
Баҳор, Аёл, Азизим!

■ Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

АЁЛ — ВАТАН КАБИ МУҚАДДАС

Аёл — ҳаётимиз файзи, кўрки-тароватн, меҳр-шафқат ва садоқат тимсоли. Аёл деганда кўз ўнгимизда, аввало, улуғ ва табаррук она сиймоси гавдаланади. Инсон зоти борки, оламдаги барча яхшилик ва эзгуликларни, ҳаёт сиру асрорлари ва сабоқларини она меҳри, она саховати туфайли ўрганади. Зеро, умримизнинг энг ширин дамлари, сўнмас ҳаётий таассуротларимиз она бағрида кечган беармон дамлар билан боғлиқ. Шу боис ҳам она — Ватан каби муқаддас, барчамиз униб-ўсган мана шу қадимий замин каби азиз ва мўътабардир.

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Ғуломова тадбирда сўзга чиқиб, хотин-қизларимиз тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва биродарлик, меҳр-оқибат ҳукм сураётган мамлакатимизни янада равнақ топтириш йўлида, иқтисодиётимизнинг барча соҳалари, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият тармоқларида жонбозлик кўрсатаётганини таъкидлади. Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этиши учун барча имкониятлар муҳайё. Аёллар учун муносиб турмуш шароитини яратиб бериш давлатимизнинг бош сиёсати даражасига кўтарилган.

Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ мазкур мукофотга сазовор бўлган иқтидорли қизлар (пастдаги суратда) тантанали равишда тақдирланди, уларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари А.Ортиқова, М.Улашева сўзга чиқиб, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини намоён этиш учун барча шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётгани учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этишди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта байрам дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари иштирок этди.

■ (ЎзА)

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилнинг 11-14 март кунлари Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Бушнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШга расмий ташриф буюради.

Ташриф давомида олий даражадаги музокаралар ҳамда вазирлик ва идоралар, АҚШ Конгресси Сенати ва Вакиллар палатаси аъзолари, ишбилармон доиралар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган. Бир қатор муҳим давлатлараро ва идораларо ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон томони АҚШ билан нафақат хавфсизликни таъминлаш ва халқаро терроризм, наркотрафик ҳамда бошқа хавфларга қарши кураш масалаларида, балки инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар соҳаларида ҳам ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга катта аҳамият бермоқда. Бу соҳаларнинг ҳар бири мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг муҳим таркибий қисмига айланиши лозим.

МЎЙҚАЛАМ МАЛИКАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий залида Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган «Мўйқалам маликалари» кўргазмаси очилди.

Аёл сиймоси, гўзаллик билан йўғрилган баҳор, Шарқнинг миллий либослари мусаввирларимиз талқинида ўзгача жозиба касб этган. Мусаввир Акмал Нурнинг «Бокиралик», «Севги гули», «Уйқудаги пари» каби асарларини кўриб чуқур хаёлга толасиз. Ш. Абдуллаева ва С. Кельтаевалар ўз асарларида Шарқ аёлини акс эттиради. М. Шувалова полотноси, Н. Гильманованинг реалистик натюмортлари томошабинни фалсафий мушоҳадага тортади. Д. Мамедова, А. Нуршина, С. Жаляева, Л. Сагирова, Ю. Холматоваларнинг рангтасвир ҳамда график асарларидаги ўзига хослик ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, кўргазмада кулолчилик намуналари, нозик чинни буюмлар тўплами, монолит ҳайкалчалар ҳам ўрин олган.

■ Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

ОЛАМ МУНАВВАРЛИГИ

Пойтахтнинг Сирғали туманидаги «Гузар-Сервис» мажмуида уюштирилган 8 март байрами «Аёл борки — олам мунаввар» мазуига бағишланди. Увайсий, Тўмарис, Зебунисо, Нодирабегимларнинг сиймолари билан безатилган гўша аёлларда ажиб таассурот қолдирди. Байрам дастурхони тўкинлиги, дид-ла безатилгани билан ажралиб турди. Бу шодиёнага туманда истиқомат қилаётган 300 га яқин фидойи, оқила, меҳрибон, мунис онахонлар ташриф буюришди. Тадбирнинг «Тадбиркор аёл»га бағишланган дастурида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Орипова, «Файз холдинг» компанияси Бош директори Мукаррама Азимова ҳамда ФҲДЁ бўлими раҳбари Арофат Рустамовалар муборакбод этилди. Шунингдек, «Маҳалла жонкуяри», «Ибратли оила» ва бошқа номинациялар бўйича ҳам фаол аёллар тақдирландилар.

■ Умида МАНСУРОВА

ҚАЛБЛАР СЕВИНЧГА ТЎЛДИ

Қизларнинг, умуман аёлларнинг чойхонада гурунгбозлик қилганини ҳеч кўрганмисиз?

Кармана шаҳридаги «Кўҳинур» чойхонасида шундай бўлди. Кечгача қизларнинг шўх-шодон овози, қиқир-қиқир кулгилари тинмади. Гап шундаки, Навоий вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда Навоий шаҳар педагогика коллежи жамоаси ҳамкорликда хотин-қизлар байрамига бағишлаб «Аёл — она, аёл — маҳбуба, аёл — ҳаёт чироғи» дея аталган «Қизлар давраси» беллашувини ўтказди. «Чинакам бахт нима?», «Муҳаббат барқарор бўлсин», «Хушфеъллликнинг бошқа фазилатлардан афзаллиги», «Беғуборлик, самимийлик нима?», «Дўстона муносабатлар эскирадими?» сингари савол ва мушоҳадалар беллашувнинг асосий мезони бўлди.

■ Ўткир ПЎЛАТ

Ислом КАРИМОВ:

АЁЛНИ УЛУҒЛАМОҚ — ОИЛАНИ, ВАТАННИ, ҲАЁТНИ УЛУҒЛАМОҚ ДЕМАКДИР

АЁЛ — ЭНГ АВВАЛО ОНА

Рихсия хожи она ҚОСИМОВА
(Миржалол Қосимовнинг онаси):

— Ўғлим спортчи бўлгани учунми, Ўзбекистонимиз байроғи кўтарилишини кўп кузатаман. Ҳаяжондан энтикиб кетаман. Гапнинг очиғи, ўғлим юртга, элга хизмат қилаётганидан фахрланаман. Барча оналарга ҳам ўз фарзандларидан фахрланиш бахти ёр бўлсин.

АЁЛ — ТАДБИРКОР

Дилбар АКРАМХЎЖАЕВА,
«Турон нон» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, тадбиркор:

— Одатда, тадбиркорлик хусусида гап кетса, кўпчиликнинг кўз олдига савдо билан шуғулланувчи ё ишлаб чиқаришда иштирок этадиган киши келади. Аслида тадбиркорлик ҳаётнинг барча бўғинларида асқотади. Дейлик, аёл тадбиркор бўлса хонадонига барака киради, дастурхонидан файз кетмайди...

Шу маънода аёлларимизнинг, аввало, тадбирли бўлишларини истайман. Ҳамиша саломат бўлсинлар. Гулгун юзларидан тиниқлик, кўнгилларидан ёруғлик, оилаларидан бахт аримасин.

АЁЛ — ЖАМОАТЧИ

Саодат ТУРСУНБОЕВА,
«Шарқ аёли» нодавлат халқаро аёллар жамғармасининг раиси:

— Аёлларимиз маданий ва ҳуқуқий интеллектуалликка эришсалар — бу ҳам жонажон Ўзбекистонимизнинг ривожланишига қўшилган ҳисса ҳисобланади. Кейинги пайтларда шу ҳақда кўпроқ ўйлаяпман...

Байрам тилакларим бисёр: юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Аёлларимиз чеҳрасидан табассум аримасин. Мен хотин-қизларимизнинг барчасига кўнгли тўқликни, юзи ёруғликни тилайман.

АЁЛ — ЎҚИТУВЧИ, ТАРБИЯЧИ

Турсуной ҲАСАНОВА,
Юнусобод туманидаги 288-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Ҳаётимни болаларсиз тасаввур этолмайман. Болаларга меҳримни берганман. Улар ўзимнинг фарзандларимдай бўлиб қолишган... Буни ич-ичимдан ҳис этаман. Ҳис этганим сайин аёл... муаллима бўлганимга шукрлар айтаман.

Баҳоримиз бор бўлсин, биз аёлларни у ҳамиша хушчақчақлик, янгиланиш ва яшариш, бахту иқбол сари етакласин, маърифатга эш қилсин.

Жонажон юртимизнинг барча аёлларига гўзаллик ва хушвақтлик тилайман.

100 ЁШЛИ МОМОНИНГ ДУОСИ



Поп туманидаги Чодак қишлоғида яшовчи 100 ёшли момо, Тошбувинисо МАЪМУРОВА:

— Юрт тинч бўлса, оналарнинг ҳам кўнгли тинч бўлади. Худога шукр, юртимиз тинч. Ҳаётимиз кундан-кун фаровонлашиб бораяпти. Илоҳим кўз тегмасин. Ўзбекистонимизнинг, бутун дунёнинг аёллари соғ-омон бўлсин, ҳар бир аёлга оналик, бувилик — пиру бадавлатлик насиб этсин.

Оналарнинг оёғи остидадир,
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғин туфроғи.

Алишер НАВОИЙ

Яхши одамлар кўпайсин десангиз, яхши оналарни кўпайтиринг.

Жан ПОЛЬ

Миллат келажаги — оналар қўлида.

О.БАЛЬЗАК

Жаннат — оналар оёқлари остидадир.

Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади, чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир.

Аёлларни фақат улуғ одамлар ҳурмат қилади.

(«ҲАДИС»ЛАРДАН)

АЁЛ — ИЖОДКОР

Ойдин ҲОЖИЕВА,
«Саодат» журнали Бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири:

— Оналар фарзандларини илоҳий меҳр билан севадилар. Негаки, Онанинг оқ сути юракнинг устидан келади. Ана шу она сути мўъжизаси билан инсон улғаяди, элга қўшилади...

Мустақил Ватаннинг кўрки, таянчи, миллат оналари бўлган опа-сингилларимизга Аллоҳнинг буюк мўъжизаси ёр бўлаверсин! Уларнинг борлиги, шу дунёни гулга тўлдириб яшаётгани, меҳнат қилаётгани, меҳру муҳаббати, нафосати, Истиқлолга садоқати учун шукрлар бўлсин!

Одам Ато наслига
Яратгандан иқболсан.
Бу беором дунёда
Ҳаловатли хаёлсан.

Тоғлар сендан ўрганар
Сукунатни, бардошни,
Дуонгдан эл қўкарар,
Қарғишинг ёрар тошни.

Миллатнинг жон томири,
Сен Ватанга тимсолсан.
Юртнинг ўчмас чироғи
Момо Ҳаво — Аёлсан!..

АЁЛ — ДЕПУТАТ, ЖАМОАТ АРБОБИ

Сайёра РАШИДОВА,
Олий Мажлис депутати, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман):

— Ўзбек аёлларининг ислоҳотларда фаол иштирок этишининг ўзи мамлакат тараққиётидан далолатдир.

Баҳорнинг илк байрами — Хотин-қизлар куни билан мамлакатимиз аёлларини чин дилдан муборакбод этаман. Азиз аёлларимиз ва лобар қизларимизга эзгулик, оилавий бахт ва муҳаббат ҳамиша ёр бўлсин.

АЁЛ — СПОРТЧИ

Ирода ТЎЛАГАНОВА,
теннис бўйича қизлар ўртасида «Уимблдон» турнири ғолиби, Осиё чемпиони, хизмат кўрсатган спортчи:

— Мен кўп мамлакатларда бўлганман. Ҳар бир миллатнинг аёллари, оналари ўзлари учун азиз. Аммо мен Ўзбекистонимиз аёллари, оналаридан гўзал, истараси иссиқ аёлларни ҳеч қаерда кўрмадим.

Онажонимни, дугоналаримни, юртимизнинг барча аёлларини байрам билан қутлайман. Уларга бахт, омад ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

АЁЛ — ОЛИМА, ШИФОКОР

Сурайё БЎРИХОДЖАЕВА,
1-ТошМИнинг физиотерапия ва реабилитация бўлими мудири:

— Мавриди келганидан фойдаланиб, аёлларимизнинг илм-фанга қўшаётган ҳиссаси беқиёслигини айтиб ўтмоқчиман. Яна бир неча йиллардан сўнг биз бу борада унча-мунча давлатларни ортда қолдирамиз.

Мен врачман. Беморларни меҳр билан даволайман. Бу менинг аввало виждон олдидаги бурчимдир. Умуман, дунёни меҳру муҳаббат қутқаради, деганлари рост.

Ана шунинг учун ҳам юртимиз аёллари ҳамиша муҳаббат тимсоли бўлиб юришларини истайман. Баҳорий кайфият, гўзаллик ва латифлик ҳар доим уларга ҳамроҳ бўлсин.

Дилором ТЎЛАГАНОВА,
1-ТошМИнинг физиотерапия кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент:

— Тарих не-не улуғ зотларни етиштирмаган: Амир Темур, Ҳазрат Навоий, Улуғбек, Бобур...

Ҳаммамизни она деган мўътабар зот дунёга келтирган, ҳаёт берган. Айтмоқчи бўлганим, аёл соғлом бўлса, фарзандлари ҳам шу тариқа вояга етади, улғаяди.

... Аёл — табиатнинг беназир маҳсули. Аёл — бу тонгнинг отиши, қуёшнинг чарақлаши. Аёл — бу дунё ибтидоси ва интихосидир. Аёл — бу янги кун ва баркамол келажак.

Истагим, азиз онажонларимиз ва опа-сингилларимиз, лобар қизларимизнинг бахти бекам бўлсин. Саломатлик, фаровон турмуш ҳамиша йўлдош бўлсин, уларга.

МУҲАББАТ АЁЛДИР, МЕҲР АЁЛДИР

Раҳмон МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врачи:

— Борлиқ яшил либосга бурканмоқда, дов-дарахтлар уйғонган, ўриклар келинчаклардай безанмоқда. Хотин-қизларимиз байрамининг Наврўз айёми арафасида нишонланишда ҳам пурмаъно бор. Чунки, табиат келинчаги — баҳор бўлса, хонадонларимиз безаги — бешак аёлларимиздир.

Аёллар — бизнинг бахтимиз, суянчиғимиз, яқин сирдош-маслаҳатгўйимиз.

Дуогўй момоларимиз, мунис оналаримиз, азиз ва мўътабар опаларимиз, жондан ширин сингилларимизга чексиз бахт-саодат ёр бўлсин, дейман. Уларга байрамона кайфият, тетиклик, келажакка ишонч, миллатимизга хос хислатлар — шарқона ибо ва ҳаё, камтарлик, сабр-қаноатлилик ёр бўлсин! Кўзларингизда бахт нурлари порлаб турсин, азиз аёллар!

ЁҚУБ АҲМЕДОВ,
Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон халқ артисти:

— Қуёшсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёлсиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди. Мен аёлларимизга таъзим қиламан. Уларнинг матонати, садоқати, меҳри, муҳаббати бизнинг ҳаёт йўлимизни мангу ёритади. Ўзбек аёлининг қалби осмон, ўғил, қизи шодон, юрти омон. Илоҳим тинчлигимиз, озодлигимиз абадий бўлсин. Онажонларимиз ҳеч қачон жангоҳлардан мактуб кутмасинлар. Машҳур шоирамиз Зулфияхоним айтганларидек:

Кўкрак сути ва меҳнат билан,
Биз жаҳонга берганмиз турмуш.
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим сира бўлмайди уруш.

Оналар дуоси оламни тутиб турувчидир. Аёлларимиз, онажонларимиз, мунис қизларимиз юзларида кулгу ёниб турсин!

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг уринбосари, шоир:

— Рўйи заминда Аёл шаънига, оналар шарафига айтилмаган гап қолмаган бўлса керак. Рўйи заминга келганда Момо Ҳавога илк бора буғдой уруғини тутқазган Одам Ато кўнглидан нималар кечгани бизга қоронғу. Лекин шу нарса маълумки, ўшандан буён бу таърифу тавсифлар дарёси бир зум бўлса-да тингани йўқ. Биз аёлни гўзалликка, гўзалликни Аёлга қиёслаймиз. Бу тушунчалар эгиз яралган бўлса ажабмас.

Демак, меҳру муҳаббат ҳам Аёлга, унинг номи билан боғлиқ. Ҳаётнинг нурли ришталари туташгувчи, бу шуъалар ипларини туташтирувчи ҳам Аёлдир, демак.

Бизнинг фарзандларимиз «Она-Ватан» дея улғаядилар. Муқаддас бу сўзлар бизда айро-айро тушунилмайди. Мисли «Жон Ватан»дан — уларни айириб бўлмайди. Қирлардаги ҳар бир тош қўзичоғу ҳар бир хас лолага айланаётган шу паллаларда, олча гуллари нон ёпаётган оналарнинг елкалари оша тандирга мўралаётган шу жозиба дамларда фақат эзгу ниятлару гўзал тилаклар кечади кўнгилдан. Демакким, юртнинг барча бекаларини гўзаллигу бахт ҳеч қачон тарк этмасин!

Ватан, бўстонларинг озода бўлгай,
Ўғил ҳам қизларинг жонзода бўлгай.
Султондай қад ростлар ҳар бир дарахтинг,
Очилган ҳар гулинг хонзода бўлгай!

Руфат РИСҚИЕВ,
бокс бўйича жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинларининг кумуш медали совриндори:

— Ойижоним менинг энг катта бойлигим. Қарз бўлсак, ҳаммадан қарзимизни узишимиз мумкин. Аммо оналаримиздан умрбод қарздормиз. Онажонлар — юртбошимизнинг энг катта бойлиги. Бизнинг инсон сифатида энг биринчи бурчимиз оналаримизни асраш, уларга хизмат қилишдир. Мен онажоним қаторида ҳамма оналарни байрам билан табриклайман. Бахтимизга улар омон бўлишсин.

Ҳамма қизларимиз бахтли бўлишсин. Уларга яхши жойлардан ато қилсин.

Шерзод ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари лейтенанти:

— Мен ўтган йили Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини битирганман. Ҳозир ҳарбий хизматни ўтаяпман.

Байрам билан энг аввало бувижоним ва онамни, сингилларим, юртимизнинг барча аёлларини табриклайман. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Азиз онажонлар, опа-сингиллар, Ватан осойишталигидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Биз сизларни кўз қорачиғидек асраймиз. Бунинг учун кучимиз, қудратимиз етарли.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси минтақавий кенгашларидан олинаётган ахборотлар маҳаллий партия ташкилотларининг серқирра фаолиятидан далолат беради. Улардан намуналар беришда давом этамиз.

«ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН

ХДП **Янгийўл туман кенгаши,** «Халқобод» ҳудудий бошланғич партия ташкилоти ва Усмон Юсупов номли ширкат хўжалиги бошқаруви билан ҳамкорликда «Қариялар — жамият фахри» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди. Унда хўжаликда узоқ йиллар ишлаб, ҳозир кексалик гаштини сураётган меҳнат фахрийлари ва ёшлар вакиллари қатнашдилар.

Янгибозор туманидаги «Бўзкала» ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотида 400 нафар эл ардоғидаги отахону онахонлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда «Қариялар қадрлаш йили»нинг эълон қилиниши ва унга доир Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, партия ташкилотларининг уни рўёбга чиқаришдаги иштироки ҳақида сўз юритилди. Тадбирда боқувчисини йўқотган кексаларга совғалар ва дам олиш масканларига бепул йўлланмалар топширилди.

«Қариялар қадрлаш йили» тадбирлари доирасида, ХДП **Кўшкўпир туман кенгаши,** «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлинмалари ҳамкорлигида, «Кекса авлод билан учрашув» кечаси ташкил этилди. Тадбирда кексалик гаштини сураётган 62 нафар қария қатнашди. Улардан бир гуруҳи — умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган устоз-муаллимлар Эгам ота Тожиев, Бекпошша Рўзметова, шифокор Саробиби Рўзметова, қирқ йил механизаторлик қилган Ражаббой ота Бобожонов, кўп йиллар жамоага раҳбарлик қилган Отаназар Жуманиёзов ёшларга қишлоқ ва туман тарихи ҳақида гапириб бердилар.

Партия **Урганч шаҳар кенгаши** томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис депутати, Урганч шаҳар қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И. Бойжонов ва ХДП Хоразм вилоят кенгаши биринчи котиби F. Машариповлар «Қарияларни қадрлаш йили» доирасидаги Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва уни амалга оширишда партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида батафсил сўз юритдилар. Тадбир сўнггида ХДП сафига қабул қилинган бир гуруҳ ёшларга партия билетлари топширилди.

Жондор туманида «Фахрий оналаримиз» мавзуида ўтказилган тадбир қарияларни эъзозлаш, кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан унумли фойдаланишни ўзига мақсад қилиб олган эди. Йиғилиш қатнашчилари тадбир ташкилотчилари — ХДП Жондор туман кенгаши ва туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббусидан жуда мамнун бўлдилар.

ХДП **Тўрткўл туман кенгаши** меҳнат фахрийлари, элюрт ҳурматига сазовор бўлган партия фаоллари, ўқитувчилар ва тиббиёт ходимларини дастурхон атрофидаги «давра суҳбати»га таклиф этди. ХДП туман кенгаши биринчи котиби И. Ибодуллаева даврани очар экан, партия фахрийларининг сермазмун ҳаёт йўллари, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги фидокорона меҳнатлари тўғрисида сўзлади. Сўзга чиққан партия фаоллари — М. Отажонова, В. Гушина, Л. Фаизова. Х. Отаниёзова, Л. Аллашукурова, Д. Сейитниёзова, Н. Нурумбетовалар Ўзбекистон Халқ демократик партияси обрў-эътиборини янада ошириш, ёшлар орасида мафкуравий ишларни олиб боришда ўз куч-қувватларини аямасликларини таъкидлаб ўтдилар. Учрашувни ташкил этишга ХДПдан сайланган депутатлар — У. Машарипов, А. Аллашукуровлар ҳомийлик қилдилар.

Партия **Янгиариқ туман кенгаши** «Гулланбоғ» қишлоғининг кексаларини «Отаонам — тожу давлатим», деб номланган тадбирга таклиф этди. Қишлоқ фахрийлари — 92 ёшли Қаландар Отажонов, 82 ёшли Сона момо узоқ яшаш сирлари, миллий қадриятларимиз ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Қариялар Абдулла Машарипов, Эркин Оллоберганов, Фотима Авезова ва бошқалар тадбир мавзуида маърузалар билан қатнашдилар. Тадбир давомида ёшлар томонидан яхшиликнинг улуғланиши ҳақидаги саҳна кўринишлари намойиш этилди, ҳадислардан намуналар ва шеърлар ўқилди. ХДП Янгиариқ туман кенгаши биринчи котиби М. Каримов қишлоқ нуронийларига эсдалик совғаларини топширди.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон ХДП **Жиззах вилоят кенгашида** шаҳар ва туман кенгашлари котиблари, депутатлар, йирик корхона ва ташкилотлар бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2002 йил 14 февралда Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидаги, «Иқтисодиётни эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш — бош йўлимиз» мавзуидаги нутқи мазмун-моҳиятини тарғибот қилиш, шу муносабат билан оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш борасидаги партия ташкилотларининг вазифалари ҳақида фикрлар билдирилди. Шунингдек, мажлисда ҳозирги кунда партия ташкилотлари олдида турган бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини шакллантириш, улар ишини такомиллаштириш, ХДПдан сайланган депутатлар масъулиятини ошириш, уларнинг ахборотларини мунтазам эшитиб бориш, мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини таъминлаш масалалари билан бир қаторда, партия интизомини мустаҳкамлаш, туман кенгашлари молиявий аҳволини яхшилаш каби масалалар бўйича мунозаралар ундан кенг ўрин олди.

ХДП **Учқўрғон туман кенгашининг** пленуми бўлиб ўтди. Унда ортда қолган йилда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишларга якун ясалиб, жорий йилдаги вазифалар, «Қарияларни қадрлаш йили» дастурларида иштирок этиш режалари белгиланди. Йиғилиш жараёнида туман партия кенгашининг молиявий аҳволини яхшилаш, кейинги ривожланиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

ХДП **Фурқат туман кенгашининг** навбатдаги пленумида «Туман партия ташкилотининг ЎзХДП Дастури ва Низоми талабларини бажариш юзасидан, 2001 йилдаги фаолияти ҳақида»ги масала муҳокама этилди. Шунингдек, йиғилишда ХДПдан сайланган депутатлар гуруҳи фаолиятига оид кўпгина масалалар бўйича музокаралар бўлиб ўтди. Ушбу масалалар юзасидан партия туман кенгашининг биринчи котиби И.Низомов қилган маърузасидаги ғоялар депутатлар — С. Мавлонова, З. Маматқулов, партия бошланғич ташкилотлари котиблари — Д. Меликўзиева, А. Турдиалиев, Т. Жўраевалар томонидан билдирилган танқидий фикр, аниқ таклифлар билан бойитилди. Пленум ишида туман ҳокими муовини М. Йўлдошева қатнашди.

Данғара туман кенгашида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг семинарида партия мавқеини янада кўтариш, унинг тузилмалари фаоллигини ошириш, партия сафларини муносиб ёшлар, тадбиркорлар, аёллар ҳисобига тўлдириш каби масалалар муҳокама этилди. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари — Д. Дархамбоев, Р. Раҳимова, Ф. Меликўзиева, У. Йўлдошев ва бошқалар асосий эътиборни депутатлар билан ҳамкорлик қилиш, мафкуравий ишларни кучайтириш масалаларига қаратдилар.

Семинар ишида қатнашган ХДП Фарғона вилоят кенгаши котиби З. Абдуллаева партиянинг парламентчилик фаолияти тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

ХДП **Касби туман кенгашида** партия матбуот нашрларига 2002 йил учун обунани ташкил этиш натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП марказий нашрларига ҳамда «Эфирда Қашқадарё» газетасига обуна қилиш бўйича «Комилон», «Навоий», «Қашқадарё», Ш.Рашидов номли ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотлари намунали иш олиб борганликлари таъкидлаб ўтилди. Обуна мавсумида фаол қатнашган партия фаоллари ва почта ходимларига туман партия кенгашининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ёш авлоднинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши, миллий ғоя руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳаллий кенгашлардан келган хабарлар бу тўғрисида далолат беради. Ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларда шаҳар ва туман кенгашлари жойлардаги туман халқ таълими бўлимлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

ХДП **Зомин туман кенгаши** тумандаги маиший хизмат, қишлоқ хўжилиги коллежи ва 31-мактаб ўқувчилари ўртасида «Бугунги Ўзбекистон» мавзуида, «давра суҳбати» ўтказди;

ХДП **Олтинкўл туман кенгаши** касб-ҳунар коллежлари, лицейлар талабаларининг ҳуқуқий билимлари бўйича кўрик-танловини уюштирди;

ХДП **Урганч туман кенгаши** тумандаги 8 ва 45-мактаб ўқувчилари ўртасида «Сиз солиқлар тўғрисида нима биласиз?» мавзуидаги учрашувга бош-қош бўлди.

Андижон туман партия кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда ёшлар орасида аждодларимиз қолдирган буюк ёдгорликлар тарихини ўрганишга бағишланган тадбирни ташкил этди. Ушбу тадбирлар ёшларнинг Ватанимиз ўтмишига ҳамда ҳуқуққа оид билимлари доирасини бирмунча кенгайтиришга ёрдам берди. ХДП кенгашларининг бундай тадбирларга ҳомийлик қилишлари ёшларда партияга нисбатан яхши таассурот қолдириши шубҳасиз.

ХДП **Марҳамат туман кенгаши** мактаб, коллеж, лицейлар ўқувчилари ўртасида «Халқ демократик партиясининг дастурий ғоялари ва сиёсий йўли» мавзуида «давра суҳбатлари» ташкил этмоқда. Бундай учрашувлар ёшларда сиёсий масалаларга қизиқиш уйғотиб, уларнинг сиёсий билимларини оширмоқда.

Партия **Улуғнор туман кенгаши** ташаббуси билан шоира Зулфиянинг туғилган куни — биринчи мартда туман ижодкор ёшларининг анъанавий учрашуви ўтказилди. Унда шоирлар Тўланбой Қамчиев, Мўминтой Сатторов ҳамда Моҳирахон Маматжоновалар иштирок этиб, ёшлар ижодига баркамоллик тиладилар. Тадбир давомида ёш ижодкорлардан Дилдора Ҳожимирзаева, Гулнора Жумабоева, Беҳзодбек Маҳаматов, Наргиза Исоқовалар ўз шеърлари билан йиғилганларни мамнун этдилар. Уларнинг ижодларидан намуналар тўпланган «Ёшлик завқи» номли китобнинг тақдимоти бўлиб ўтди. ХДП Улуғнор туман кенгашининг биринчи котиби Ж.Усмонова ёш ижодкорларга эсдалик совғаларини топширар экан, ёшлар шахс сифатида ўз қобилиятларини намоён қилишларида партиямиз уларни доимо қўллаб-қувватлашини таъкидлаб ўтди.

ҚАРИЯЛАР ЭЪЗОЗДА

Пойтахтдаги «Нуронийлар» оромгоҳида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгашининг ташаббуси билан «Таъзим Сизга, доно кексалар!» мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

— Ҳозирги кунда оромгоҳимизда 220 нафар табаррук отахону онахонларимиз даволаниб, дам олишмоқда, — дейди оромгоҳ бош шифокори ўринбосари Гулираъно Маҳмудова. — Бу ерда барча шароитлар муҳайё. Мазкур тадбиримиз эса, уларга кўтаринки кайфият бағишлайди.

Тадбирда сўзга чиққан «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг раиси Б. Аҳмедхўжаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фахрий оқсоқол Э.Қодиров ва бошқалар жорий йил — «Қарияларни қадрлаш йили», дея эълон қилинишининг ижтимоий ва маънавий аҳамияти хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

«Ўзбекракс» бирлашмаси қошидаги «Лазги» ансамбли иштирокчиларининг чиқишлари эса тадбир қатнашчиларига хушнудлик бахш этди.

■ **ШОҲИСЛОМБЕК**

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

Бултур республика табиатни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари 7,3 минг корхона ва ташкилотларда назорат ўтказиб, табиатни ифлослантирувчи 43,9 минг кўринишларга дуч келгандилар. Бу аввалги йилга нисбатан 1,7 баробар кўпдир. Табиатдан унумли фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларини бузганлиги учун 11,1 мингдан зиёд мансабдор шахс ва фуқаролар жавобгарликка тортилди. Табиатга етказилган зарар учун 93,4 миллион сўмлик даъво ва молиявий жарималар амалга оширилди. Қарийб 1777 корхона, цех, кўчма манбалар ва турли объектлар фаолияти тўхтатилди. Броконьерлардан 65 ов милтиғи, 510 балиқ овлаш тўрлари мусодара қилинди. Экологик экспертизадан ўтмаган 173 қурилиш объектини молиялаштириш тўхтатилди. Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси «Ўзнефтегазинспекция» ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан «Тоза ҳаво» тадбирининг икки босқичда ўтказилиши самарали кечди.

Чирчиқ, Норин, Зарафшон, Амударё, Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Қорадарёда сувни муҳофаза қилувчи зоналарни белгилаш бўйича лойиҳа ишлари давом эттирилмоқда. Табиат муҳофазаси билан боғлиқ қонунлар қабул қилинган. Хусусан, «Давлат экологик мониторинги тизими тўғрисида», «Экологик аудит тўғрисида», «Ер ости табиий бойликлари тўғрисида», «Чиқиндилар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси сув кодекси» каби қонунларнинг ижобати ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Куни кеча Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўтган йилги ишлари ва 2002 йилда амалга ошириладиган вазифаларига бағишланган ҳайъат йиғилишида ана шундай факт ва рақамлар тилга олинди. Йиғилишда Юртбошимизнинг ўтган йил якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда 2002 йил вазифаларига бағишланган нутқидан келиб чиқиб, қўмита олдида турган вазифалар белгиланди.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЎЗДЭУАВТО» КОМПАНИЯСИ

БАРЧА ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИ 8 МАРТ КУНИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

БАҲОР БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА «ЎЗДЭУАВТО» КОМПАНИЯСИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЎЙИН — 5та АВТОМОБИЛЬ ЮТУҒИ ЎЙНАЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Агар Сиз битта автомобиль пулига ИККИТА АВТОМОБИЛнинг бахтли соҳиби бўлишни истасангиз, шошилинг!

Сизларни 7 мартдан бошлаб компаниянинг дилерлик корхоналари кутмоқда.

Ўйинда фақат 2500 автомобиль иштирок этади.

Лотерея ўйини Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
- автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
- ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;
- ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги енгил машина совға қилинади.

Телевиденида ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон овози» газеталарида чоп этилади!

БАРЧА САВОЛЛАР БЎЙИЧА КОМПАНИЯНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65.

МЕҲРИБОН ОНАЖОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

Сизларнинг барчангизни Халқаро Шароф Рашидов хайрия фонди аҳли номидан 8 март байрами билан муборакбод этамиз. Бахтимизга доимо омон бўлинг. Ҳамма яхши ниятларингиз ижобат бўлсин.

Марказий кенгаш ҳайъати.

ТЕННИСЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ ПЕКИНДА

Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекинда теннис бўйича аёллар ўртасида «Федерация кубоги» йирик халқаро турнири давом этмоқда.

Жамоалар ўртасида ўтаётган, норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланган бу турнирда мамлакатимиз шарафини истеъдодли теннисчиларимиздан И.Исроилова, А.Шупак, О.Омонмуродова, К.Дадахўжаевалар ҳимоя этишмоқда.

Дастлабки учрашувлар натижаси: Ўзбекистон — Сянган — 2:1, Ўзбекистон — Филлипин — 2:1, Ўзбекистон — Япония — 0:3.

Кеча қизларимиз хитойлик теннисчилар билан куч синашдилар.

БУГУН БАЙРАМ

8 март Халқаро хотин-қизлар байрами. Буни яхши биламиз. Аммо баъзи бир халқларда ушбу кун қўшалоқ байрам сифатида нишонланар экан. Масалан, Замбияда «Ёшлар куни» бўлса, Сурияда Мустақиллик, Малайзияда эса Султон куни сифатида ҳам қаршиланади.

Ушбу кунда таваллуд топганлар қанча? Агар у эркак киши бўлса-чи? Тарихда ушбу кунда туғилган таниқли инсонлар ҳам кўп: Буюк немис композитори Карл Бах (1714), биринчи марта уранниг занжирсимон реакциясини кашф қилган рус олими Якоб Зельдович(1914), Жанубий Американинг энг зўр футболчиси сифатида танилган Теофил Кубилас (1948-1972), Малайзиянинг собиқ Султони Салоҳуддин Абдул Азиз (1926-1999), Бразилиянинг машҳур футболчиси Жулиу Сезар (1963).

Санайверса, адоғи йўқ.

Тарихга назар солинса, ушбу кунда кўп қизиқ воқеалар ҳам содир бўлганлигини кўриш мумкин. 1728 йилнинг 8 мартида рус императори Пётр II га тож кийдириш маросими бўлиб ўтган экан. 1782 йилда АҚШнинг Огайо штатида америкаликлар билан маҳаллий ҳиндулар ўртасида катта жанг бўлган, 1873 йилнинг ушбу куни тарихга Канадада спиртли ичимликлар сотишни таъқиқлаш санаси билан кирган.

Аммо, асосий гап шуки, ким туғилиши ёки нима содир бўлишидан қатъи назар ушбу кун — онажонларимиз, опа-сингилларимиз байрами, эркаклар учун эса яна бир «синов» куни бўлиб қолаверади.

«ЧОРСУ САВДО МАРКАЗИ» ОАЖ меҳнат жамоаси

Ўзбекистоннинг барча дилбар аёлларини – онажонларимиз ва мунис қизларимизни халқаро хотин-қизлар байрами 8 март билан чин қалбдан муборакбод этади. Озод ва ҳур Ватанимизнинг порлоқ келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказаётган оилаларимиз фаришталарининг гўзал чеҳраси доимо баҳор қуёшидек чарақлаб турсин.

«ЧОРСУ САВДО МАРКАЗИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2002 йил 9 апрель соат 11.00 да «Чорсу Савдо Маркази» ОАЖ биносида акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилади. Рўйхатга олиш вақти соат 10.00дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ

1. «Чорсу Савдо Маркази» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан жамият балансини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«ЧОРСУ САВДО МАРКАЗИ»

очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йилги баланси (минг сўм)

		АКТИВ	ПАССИВ
1	Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	211345	
2	Ишлаб чиқариш заҳиралари	15187	
3	Олиб сотиладиган товарлар	13827	
4	Келгуси давр сарфлари	295	
5	Пул маблағлари	3172	
6	Қисқа муддатли қўйилмалар	417000	
7	Дебиторлар	10655	
8	Устав капитали		20000
9	Тақсимланмаган фойда		73178
10	Қисқа муддатли қарзлар		560500
11	Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар		8656
12	Кредиторлар		16147
	Баланс	**671481**	**671481**

МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ИШ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИ ҲИСОБОТИ:

Умумий даромади — 181959 минг сўм
Асосий фаолиятнинг харажатлари — 90780 минг сўм
Соф фойда — 73178
Низом-жамғармаси — 20000 минг сўм
Акциялар улушининг бўлиниши:
Низом жамғарма номинал қиймати — 1 минг сўм. 20 минг дона.
50 % — шаҳар ҳокимлиги «Пойтахт Таъсис» давлат унитар корхонаси.
50 % — «Озиқ-овқаттаъминот». Давлат акциядорлик компанияси.
Молиявий хўжалик фаолиятини «Осиё-Аудит» аудиторлик компанияси текширган.
(Лицензия рақами — 00124)

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

BANK XALQ BANKI

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

ХАЛҚ БАНКИ

барчангизни яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан муборакбод этади ва янги «НАВРЎЗ СОВҒАСИ» — қисқа муддатли, ютуқли омонат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 40 кун муддатга қабул қилиниб, уларга йиллик 50 (эллик) фоиз миқдорида даромад тўланади.
Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда

5 МИНГ СЎМДАН 500 000 СЎМГАЧА

бўлган ютуқ совриндорларидан бири бўлиш имкониятига эгасиз.
«Наврўз совғаси» омонатига пул маблағлари 2002 йилнинг 20 февралидан 1 апрелига қадар Халқ банкининг барча бўлимлари ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.
Ютуқ эгалари шу йил апрель ойининг иккинчи ўн кунлигида аниқланади.

НАВРЎЗ ТУҲФАСИДАН СИЗ ҲАМ БАҲРАМАНД БЎЛИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ — аҳоли омонатларининг сақланиши давлат томонидан кафолатланган

ЯГОНА БАНКДИР!

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«SHIFOKOR NON»

ОАЖда 2001 йил 22 августда бўлиб ўтган акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси ва 2001 йил 21 сентябрь 314 к-ПО сонли Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш қўмитаси буйруғига асосан, кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, 1999 йил 22 июль Q 0030 «SHIFOKOR NON» эмиссия рисоласига қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди:

II бўлим. Акциялар тақсимланиши

2-БАНД. *Меҳнат жамоаси томонидан сотиб олинган эгаси ёзилган оддий акциялар*
а) акция фоизи — 10
б) акция қиймати — 5198000 сўм
в) акциялар миқдори — 5198 дона

3-БАНД. Давлат улуши — эгаси ёзилган оддий акциялар
а) акция фоизи — 25
б) акция қиймати — 12995000 сўм
в) акциялар миқдори — 12995 дона

4-БАНД. *Эркин савдо, шу жумладан хорижий инвесторлар улуши — эгаси ёзилган оддий акциялар*
а) акция фоизи — 65
б) акция қиймати — 33787000 сўм
в) акциялар миқдори — 33787 дона

Акция пакетлари тўлиқ жойлаштирилган.

ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ ОАО «ТАНСИҚ НОН»

Общее собрание акционеров ОАО «Тансиқ нон» по итогам финансово-хозяйственной деятелности за 2001 год состоится 2 апреля 2002 года в 11-00 часов в зале заседаний по адресу: г. Ташкент, ул. Чехова, 1.

Регистрация участников собрания начнется с 9-00 ч. утра.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Отчет итогах финансово-хозяйственной деятельности за 2001 год.
2. Утверждение бухгалтерского баланса, счета прибыли и убытков.
3. Утверждение отчета ревизионной комиссии.
4. Утверждение отчета аудиторской проверки за 2001 год по балансу.
5. Утверждение бизнес-плана развития общества на 2002 год.
6. Утверждение аудиторской фирмы на 2002 год.
7. Распределение чистой прибыли за 2001 год и утверждение размера дивидендов между акционерами.
8. Утверждение перечня затрат предприятием для формирования финансовых результатов и его утверждение.
9. О привлечении инвестиции.

ПРОСПЕКТ ЭМИССИИ ОАО «ТАНСИК НОН».

Размер уставного фонда — 15534,0 тыс. сум.
Количество акций всего — 77767 шт
Номинал акции — 200 сум.
Пакет распределения акций относительно уставного фонда:
Госдоля — 25 % — 19418 шт — 3883600 сум
Доля трудового коллектива — 9,81 % — 7623 шт — 1524600 сум
Доля свободной продажа — 65,19% — 50629 шт — 10125800 сум
Акции общества полностью распределены.

Баланс ОАО «Тансиқнон» на 01.01.2002 г.

	Актив	Пассив
1. Уставной фонд		15534,0
2. Резервные и добавленные капиталовложения		151659
3. Нераспределенная прибыль		14581
4. Целевое финансирование		105329
5. Кредиторская задолженность		31361
6. Краткосрочные кредиты		7500
7. Основные фонды и необоротные активы	204480	
8. Запасы и затраты	47685	
9. Денежные запасы	68056	
10. Дебиторская задолженность	5743	
11. Баланс за 2001 год	325964	325964
12. Доходы	942347	
13. Расходы и обязательные платежи	2534	930300
14. Чистая прибыль	14581	

Аудиторская проверка проведена независимой фирмой «Дунё Аудит», лицензия АФ 00180 от 3 сентября 2001 г. утверждена Минфином Р.Уз.
Список акционеров имеющих право на участие в общем годовом собрании за 2001 год закрыт по состоянию на 01.03.2002г.

Акционерам при себе иметь паспорт.
Справки по телефону 136-34-56, 136-74-31

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ ОАО «УЗЭЛЕКТРКАБЕЛСАВДО»

объявляет о проведении очередного общего собрания акционеров ОАО «Узэлектркабелсавдо» которое состоится 5 апреля 2002 года по адресу: г. Ташкент, ул. Муйнакская, 135.
Начало регистрации в 13.00 час. Начало собрания в 14.00 час.

ПОВЕСТКА ДНЯ

Общего собрания акционеров ОАО «Узэлектркабелсавдо»
1. Результаты финансово-хозяйственной деятельности ОАО «Узэлектркабелсавдо» за 2001 год и утверждение бизнес плана на 2002 год.
2. Утверждение заключения ревизионной комиссии и заключении независимого аудитора по годовому балансу финансово-хозяйственной деятельности ОАО за 2001 год.
3. Распределение прибыли и утверждение размеров дивидендов за 2001 год.
4. Довыборы в члены Наблюдательного совета.
5. Утверждение председателя правления генерального директора ОАО «Узэлектркабелсавдо».
6. Разное.

Повестка дня утверждена протокольным решением Наблюдательного совета от 1 марта 2002 года за № 1.

Наблюдательный Совет ОАО «Узэлектркабелсавдо»

БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС

Наименование показателей	№ стр.	На отчетный период в тыс сум	Наименование показателей	№ стр	На отчетный период в тыс сум
АКТИВ			ПАССИВ		
1. Долгосрочные активы			1. Источники собственных средств, в том числе		
Основные средства	012	78537	Уставной капитал	320	17197
Нематериальные активы в том числе:			Добавленный капитал	330	223285
Капитальные вложения	030	10960	Резервный капитал	340	77290
Акции в дочерних предприятиях		—	Нераспределенная прибыль (непокритый убыток)	350	29708
Долгосрочные инвестиции	080	47343	Доходы будущих периодов		—
Прочие нематериальные активы	022	670	Прочие источники собственных средств		
Итого долгосрочных активов	110	137510	Итого собственных средств	390	347480
II. Оборотных активы в том числе.			II. Обязательства в том числе.		
Производственные запасы	120	4573	Долгосрочные займы		
Незавершенное производство		—	Долгосрочные кредиты		
Готовая продукция	150	183786	Краткосрочные займы		
Расходы будущих периодов	160	179	Краткосрочные кредиты	430	14288
Краткосрочные вложения		—	Задолженность по бюджету		—
Расчеты с бюджетом	240	3648	Задолженность по внебюджетным платежам	500	654
Прочие оборотные активы		59683	Прочие обязательства		26957
Итого оборотных активов	300	251869	Итого обязательства	540	41899
Всего по активу баланса (110+300)	310	389379	Всего по пассиву баланса (390+540)	550	389379

Информация о финансовых результатах ОАО (счет прибылей и убытков)

Показатель	Доходы	Расходы
1. Выручка от реализации продукции (услуг)	665019	
2. Производственная себестоимость		590115
3. Валовой финансовый результат от реализации	74895	
4. Финансовый результат деятельности (прибыль или убыток) от основной	56779	
5. Финансовый результат (прибыль или убыток) от общехозяйственной	56779	
6. Чистая прибыль (убыток)	29708	

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23-50

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA